

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1067>

## LINGUCULTUROLOGICAL FEATURES OF THE STEP CONCEPTOSPHERE "STEP MOTHER"

Жалолова Феруза Нормуродовна  
ЎзМУ, Инглиз филологияси кафедраси ўқитувчиси,  
[missjalolova@mail.ru](mailto:missjalolova@mail.ru),  
+998946930309

**Аннотация.** Мақолада лингвокультурал тадқиқотлар муаммолари тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқилган. Мақола объекти сифатида "ўгай она" концепти таҳлил қилинди ва Шарқий, Ғарбий Европа адабий анъаналарида "ўгай она" концептининг ўзига хос хусусиятларининг миллий жиҳатлари ҳақида акс эттирилди.

**Калит сўзлар:** лингвокультурология, маданият, лисоний бирлик, концептосфера, лингвомаданий концепт, когнитив концепт.

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы лингкультурных исследований в качестве одного из основных направлений лингвистики. В качестве объекта статьи контекст «мачехи» был проанализирован, а в западных европейских лирах традиции были отражены в национальных аспектах уникальных особенностей концепции «ўгай она».

**Ключевые слова:** лингкультура, культура, языковые единицы концептосфера, концепция Лингкультурологии, когнитивная концепция.

**Abstract.** The article discusses the problems of lingocultural studies as one of the main directions of linguistics. As an object of the article, the context of the "stepmother" was analyzed, and in Western European lists traditions were



reflected in the national aspects of the unique features of the concept "stepmother".

**Keywords:** lingculture, culture, language units conceptosphere, lingoculturology concept, cognitive concept.

Ҳалқлар маданияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш, яъни, лингвомаданиятшунослик бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва барқарорлашаётган соҳаси сифатида талқин қилиниши мумкин. Ижтимоий онгнинг шаклланиш омилларини таҳлил қилиш турли маданиятларнинг ўзаро муносабатларини ва ўзаро тушуниш механизмларини тадқиқ қилиш имкониятларини вужудга келтирди. Бу эса, ўз навбатида, тилшуносликда тил ва маданият муносабатларининг тадқиқ қилинишига асосланган янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Тилда лисоний онг ва маданий кадриятлар объектив олам тасвирининг ментал моделлари кўринишида акс этади ва ифодаланади. Шу асосда, тилда маданий анъаналар контекстига таянилган ҳолда оламни миллий идрок қилиш ва тушуниш категориялари шаклланади.

Бу жараёнга таниқли ўзбек тилшунос олими Н.М.Маҳмудов куйидагича фикр билдиради: “лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий тилшуносликларда алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсиялаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу йўналиш ўзбек тилшунослигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда” [3:51].



Лингвомаданиятшунослик миллий концептосферанинг ўзига хос хусусиятларини маданиятдан онгга ўтиш жараёнида тадқиқ қилади. Бу борада илмий изланишлар олиб борган рус олимлари Н.Ф.Алефиренко, В.И.Карасик, В.В.Красных, Ю.С.Степанов, С.Г.Тер-Минасова, В.В.Маслова ва ўзбек олимлари Ш.С.Сафаров, Н.М.Маҳмудов, А.М.Маматов, Д.У.Ашурова, Ў.К.Юсупов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, уларнинг таълимотларида оламни билиш асносида юзага келадиган ментал ахборотлар, воқелик концептуал идрокини таъминлайдиган концептлар ётиши ҳақида бир хил қарашлар мавжуд. Концептосферани лингвокогнитив ёндашув асосида ўрганиш натижасида унинг майдон модели шакллантирилади, бу майдон ядро ва сарҳаддан иборат бўлади [4:17].

Тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши орқали муайян бир халқнинг турмуш тажрибалари, олам ҳақидаги тасаввурлари ва оламни билишдаги ҳис-туйғулари лисоний бирликларда ўз аксини топади ва авлоддан авлодга ўтади. Бу концепцияга мувофиқ, тил оламни концепциялаштиришнинг ва инсон тажрибаларини умумлаштиришнинг, олам ҳақидаги билимларни, инсоният ҳаётидаги ижтимоий муҳим тарихий ҳодисаларни сақлашнинг дастлабки шакли сифатида талқин қилинади.

Шундай қилиб, лингвокультурология мажмуавий йўналиш бўлиб, маданият ва тилнинг ўзаро муносабатларга киришувини, ўзаро бир-бирларига таъсири жараёнини, функционал хусусиятини ўрганади, бу жараённи тизимли равишда замонавий методларга асосланган ҳолда тадқиқ қилади.

“Концепт” атамаси тилшуносликда олимлар томонидан турлича илмий талқин қилинган бўлиб, В.А.Маслова томонидан айтилган таъриф ушбу атама моҳиятини аниқроқ акс эттирган, яъни олима “концепт



лингвомаданий ўзига хосликка эга, маълум бир этномаданият вакилларини у ёки бу тарзда тавсифловчи семантик тузилма” эканлигини таъкидлайди [2:50].

Лингвомаданий концептлар билан когнитив концептларнинг фарқлари ажратилади. Лингвокультурология йўналишида фаолият олиб бораётган тилшунослар учун концепт маълум лисоний маданиятнинг ўзига хослиги белгисидир ва бу белгилар борлиқ нарса ҳодисаларнинг ҳар бир миллат, элат

турмуш тарзи, яшаш эҳтиёжи, маданиятига мос ҳолда идрок этилиши ва категориялаштирилишига боғлиқ. Когнитив лингвистикада эса концепт тил бирликларининг маъноси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади ва шунга биноан тафаккур бирлиги сифатида қаралаётган концептни қолиплаштиришда тил бирликларига таянилади [3:283].

Ушбу ишимизда концепт онг ва хотира оператив бирлиги сифатида талқин қилинади, зеро, лисоний бирлик сифатида концепт ўз табиатига кўра антропоцентрик ва маданият нуқтаи назаридан олдиндан аниқ, чунки у юқори даражадаги мавҳумлик ва умуман, конкрет лисоний шахс ҳамда жамоавий онгда мавжуд бўлган олам манзараси ҳақидаги бебаҳо ахборотни ташиш хусусиятига эга (Аскольдов1997, Лихачёв 1997, Карасик 2004, Слышкин 2004, Степанов 2004, Воркачëв 2010 ва бошқалар).

“Ўгай” сўзи Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича таърифланади:

1. *Ўгай* - Олдинги эр ёки хотиндан бўлган фарзандлар ҳозирги эр ёки хотинга ҳамда уларнинг қариндошларига нисбатан, шунингдек, ҳозирги эр ёки хотин ва уларнинг қариндошлари олдинги эр ёки хотиндан бўлган болаларга нисбатан ишлатиладиган сўз. Масалан: *Ўгай набира. Ўгай ота. Ўгай хола.*



- *Ўғай қайнана ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди.* (Ойбек, Танланган асарлар).

**2** Бир онадан туғилмаган ёки бир отадан бўлмаган, отаси ёки онаси бошқа, туғишмаган фарзандлар (бир-бирига нисбатан ўғай деб юритилади).  
Масалан: *Ўғай ака.*

- *Ботиржон акамнинг ўғай синглиси бор, оти Адолатхон, шу ўғил туғибди.* (Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби).

**3** (*кўчма*) Ўзиники бўлмаган; ёт, бегона.

- *Бобур ўзига улуг бир мураббий топдим, деб суюниб юрганида, ўғай тақдир уни бу мадаккоридан ҳам жудо қилган эди.* (П. Қодиров, Юлдузли тунлар).

- *«Ўғай» экинларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмади.* (Газетадан).

*Булбул ўғай эрур зоглар орасида, Югурик сув ўғай тоғлар орасида.* (А. Орипов, Рухим) [5:132].

Она сўзига эса худди шу манбада қуйидагича изоҳ берилади:

**1.** **Она** - Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин. Масалан: *Кўп болали она.*

- *Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди.* (Ойбек, Танланган асарлар).

**2** Оила бошлиғи, тарбиячиси. *Сиз ҳаммасининг онаси, у киши — ота. Уста болани жуда яхши кўрадилар.* (А. Қаҳҳор, Томошабоғ).

**3** Кекса аёлларга хурмат юзасидан уларнинг номига қўшилиб ишлатилади, масалан: *Тожихон она, Норжон она.*

**4** Кекса аёлларга хурмат билан мурожаат этиш формаси.

**5** Бола туққан жонивор. *Тойчоқнинг онаси. Она қўй.*

**6** (*кўчма*) Яратувчи, вужудга келтирувчи. *Ер — ҳаётнинг онаси.* )  
[5:125].



“Она” ва “ўгай” сўзлари бир-бирларидан фарқли равишда мустикал субъектларни ифодалайди. Мана шу маъно жиҳатидан бир-бирига мутлақо яқин келмайдиган икки сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган “ўгай она” концепти тадқиқотимиз объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “ўгай она”га қуйидагича изоҳ берилади:

Ўгай она — бошқа никоҳдан бўлган боланинг онаси. Оила қонунчилигида Ўгай она билан ўгай бола ўртасидаги муайян ҳуқуқий муносабатлар кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси ОК га кўра, Ўгай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти Ўгай она зиммасига юклатилиши мумкин. Ўз навбатида, ўгай болалар зиммасига ҳам улар вояга етганда шундай мажбурият юкланиши мумкин. Ўгай онага ўгай ўғил ва ўгай қиздан алимент ундиришни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган асосли шартларга қонун қуйидагиларни киритади. Ўгай онанинг меҳнатга лаёқатсизлиги (яъни, умумий пенсия ёшига етганлик ёки 1, 2 гуруҳ ногиронлиги, истисно тариқасида — 3 гуруҳ ногиронлиги), шунингдек, Ўгай онанинг ўз ўгай ўғиллари ёки ўгай қизларига камида беш йил тарбия ва таъминот берганлиги факти тасдиқланган бўлиши керак [6:127,128-моддалари].

Ҳар бир маданият фақат унинг ўзигагина оид қадриятлар ва категориялар системасига эга. Бундай қадрият ва категориялар кўплаб маданиятларда такрорлансалар-да, улар турлича иерархик тизимларга ва фаолликка эга. Тил олам манзарасини баён қилиш тизимида алоҳида ўринга эга.

Ўз туғишган отасининг ҳозирдаги рафиқаси ва у болалар учун биологик она бўла олмайди деб таъриф берилган ўгай она рус маданиятида



оддий ва фожеавий равишда қабул қилинган. Ўғай оналарнинг пайдо бўлиш тарихи Ўрта асрларга бориб тақалади, саноат ҳали шаклланмаган ўша даврларда ҳаёт-мамот масаласи оиланинг тўлиқ бўлишига боғлиқ бўлган. Чунки ҳосил етиштириш ва йиғиб-териб олиш, рўзғорни саранжом-сарийшта тутиш каби вазифаларнинг тўғри ва тўлиқ тақсимланиши эвазигагина оилада тартиб сақланган. Шунинг учун ҳам бева қолган эркак киши мотам маросимлари тугаган заҳотиёқ дарров қайта уйланган. Ўғай оналар кўп ҳолларда ўзларининг олдинги никоҳларидан туғилган болалари билан қабул қилинган.

Эрининг олдинги хотинидан туғилган болаларининг ҳаётини заҳарлаш эвазига ўғай оналар ўзлари билан олиб келган болаларининг ҳаётларини йўлга қўйишга ҳаракат қилганлар. Ҳали вояга етмаган гўдакларга ҳам шафқатсизларча муомалада бўлишган. Ҳужжатларда қайд этилган бундай воқеалар Россиянинг шимолий губернияларида ҳатто XIX асрнинг охирларида ҳам учраган. Ўшга пайтдаги очарчилик ўғай оналарга жуда қўл келган, ўғай болаларидан бирортасининг очликдан ҳалок бўлиши ўз боласининг яшаб кетишига шароит яратиб берган. XIV – асрнинг охири XV – асрнинг ўрталарига тўғри келган очарчилик европа давлатларида ўғай оналарнинг болалардан қутулиш учун уларни бирор ёққа, ўрмонга ўтин териб келишга, совуқ пайти юпун кийим билан ташқарида қолдиришга, ва “ортиқча оғиз” муаммосини ҳал қилишларига ёрдам берган. Албатта, бу каби ҳатти-ҳаракатлар эрлари уйда бўлмаган вақтда амалга оширилган, ва кейинчалик ўғай оналар ҳақида эртаклар яратиш учун яхшигина манба бўлиб хизмат қилган. Шу ўринда инглиз ёзувчиси Жеймс Гринвуд қаламига мансуб, Лондонда 1866 йилда илк мартаба чоп этилган “Жулдур кийимли бола” асарини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллиф кичкина бола ҳаётида ўғай она қандай катта салбий ўзгаришларга сабаб бўлганини маҳорат билан тасвирлаб



беради. Айнан ўгай онанинг кирдикорлари туфайли асар қахрамони, олти ёшли Жимми исмли болакайнинг бошига тушган кўргуликлар, ва охири-оқибат унинг уйдан қочиб кетиши билан яқун топиши, аммо болакайнинг тақдири бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Инглиз маданиятида ҳам “ўгай она” ёвуз ва маккора аёл сифатида талқин қилинади. Асосан қуйидаги “фазилат”лар ушбу концептга ҳамроҳлик қилади: жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлатишга мойиллик; жоду илмидан бохабарлик; ҳатти-ҳаракатида моддий мотивациянинг доминантлик қилиши; зарар берувчи; ва албатта, пассив ота образининг ҳамроҳлик қилиши. Ўгай онани кўз олдимизда шакллантириш учун барча хусусиятларини санаб ўтиш шарт эмас. Асосий моддий мотивация кўп ҳолларда ўзиники бўлмаган болалардан қутулиш учун қилинадиган ҳаракатлар, яъни бойлик ёки меросга эга чиқиш учун қилинадиган курашлар тарзида мавжуд бўлган.

Лисоний онг ядросини таҳлил қилганимизда “ўгай она” концептида асосан маъно турли-туманлиги кузатилмайди, барча сўзловчилар гуруҳлари инсонни жамият билан боғлиқ ҳолда талқин қиладилар ва у *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* эканлигини таъкидлайдилар.

“Ўгай она” концептининг лисоний таҳлили кўрсатишича, инглиз ва ўзбек тилларида “ўгай она” концептининг *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* сифатида идрок қилинишида умумийлик аниқланди. Ўзбек ва инглиз лисоний онги ядросида *ўгай она* концепти персонификациялашган ҳолда *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* сўзлари ҳамда кишиларнинг ижтимоий мавқеини билдирувчи *уй бекаси / housewife, рафиқа / wife* сўзлари орқали ифодаланади.

Шундай қилиб муайян бир тил соҳибларининг лисоний онги оламни ўзига хос тарзда акс эттиради. Табиийки бундай дунёқарашда бошқа тил





вакиллари томонидан оламнинг идрок қилинишига нисбатан умумий ўхшашликлар, фарқлови белгилар ҳам кўзга ташланади.

Турли халқларнинг оламини лисоний идрок қилиш жараёнидаги ассоциатив реакцияларининг қиёсий таҳлили у ёки бу маданиятнинг ўзига хос менталликларини, шунингдек, турли ижтимоий гуруҳлар ва этносларга мансуб маданий концептларнинг мазмунини ва моҳиятини аниқлаш имкониятини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ашурова Д.У. Прспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. – 2004, – № 4.
2. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: Тетра Системс, 2008.
3. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.
4. Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликда янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар // Филология масалалари.– 2011. – № 2.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли / ЎзР ФА А. Тошкент : 2006-2008
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 30.04.1998.

